

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА
ИННОВАЦИЯЛАР**

4 ЖИЛД, 3 СОН

**ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И
ПСИХОЛОГИИ**

ТОМ 4, НОМЕР 3

**INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND
PSYCHOLOGY**

VOLUME 4, ISSUE 3



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Аскарлов Абров Давлатмирзаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори

Педагогика йўналиши

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори,
профессор

Психология йўналиши

Педагогика ва психологияда инновациялар журнал таҳририй маслаҳат кенгаши
Editorial Board of the Journal of Innovations in pedagogy and psychology
Международный редакционный совет журнала Инновации в педагогике и психологии

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Джораев Мухамматрасул
педагогика фанлари доктори, профессор

Тўрақулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори

Уразова Марина Батировна
педагогика фанлари доктори

Шорена Дзамукашвили
педагогика фанлари доктори

Шорена Вахтангишвили
педагогика фанлари доктори

Нурманов Абдиназар Ташбаевич
педагогика фанлари доктори

Халиков Аъзам Абдусаломович
педагогика фанлари доктори

Аюпова Мукаррам
педагогика фанлари номзоди, профессор

Джумаев Маманазар Иргашевич
педагогика фанлари номзоди, профессор

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори

Асилова Гулшан Асадовна
Педагогика фанлари доктори, доцент

Саипова Малоҳат Латиповна
психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ҳажиева Ирода Адамбаевна
филология фанлари номзоди, доцент

Азимова Насиба Эргашовна
педагогика фанлари номзоди, доценти

Ахмедова Зебинисо Азизовна
фалсафа фанлари номзоди

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


1. Husanov Abbos OILADAGI NIZOLI MASALALARI BO'YICHA SUD-PSIXOLOGIK EKSPERTIZASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	4
2. Қорабоев Абдулазиз ҲАРБИЙ ОИЛАДАГИ ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТИ ВА ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ АМАЛИЙ ЎРГАНИШ.....	9
3. Гулямова Мавлуда ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДАЛИНГВОДИДАКТИКАНИНГАСОСЛАРИ.....	14
4. Акбарова Шахноза МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎРГАТИШДА ТАЪЛИМИЙ ЎЙИН ТУРЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ.....	18
5. Норова Орифа МИЛЛИЙ ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА УРФ ОДАТЛАР БИРЛИГИ: ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН.....	25
6. Насырова Зарина АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ПРОБЛЕМЫ ДИАГНОСТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧИТЕЛЯ.....	30
7. Пардаева Мархабо ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИДА ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОЙИ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	39
8. Asrorov Igor INDIVIDUAL FEATURES OF VISUALLY IMPAIRED STUDENTS.....	44
9. Narziyeva Mastura BOSHLANG'ICH SINFLARIDA INTERFAOL METODLAR VA DIDAKTIK O'YIN TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH.....	49
10. Sodiqova Yulduz PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL FEATURES OF USING GAMES IN THE PROCESS OF TEACHING YOUNG LEARNERS.....	53
11. Таджибаева Гулхумор ПРИЧИНЫ И ПУТИ РАЗРЕШЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КОНФЛИКТОВ В ВЫСШЕМ УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ.....	57
12. Набиева Зарина КИЧКИНТОЙЛАР РУҲИАТИНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИДА ОБРАЗЛИЛИК.....	62
13. Хуммаматова Камола КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ -ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАСИ СИФАТИДА.....	68
14. Қодирова Мадинабону ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСИ АРАБ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИ КОМПЕТЕНЦИЯ МУАММОСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	76
15. Махсудова Малика, Иброхимова Дилнора, Халилов Эргашвой ТАЛАБА ҚИЗЛАРНИНГ ТАНА ВАЗНИ ВА ҚЎЛ ДИНАМОМЕТРИЯСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ ҚИЁСИЙ ТАВСИФЛАШ.....	86
16. Атамухамедова Гузал ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОФИЛАКТИКА ЯЗЫКОВОЙ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ....	91

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Пардаева Мархабо Давлатовна
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Бухоро вилоят бўлими раҳбари,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИДА ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ

For citation: M.D.Pardaeva. The place of views of alisher navai in the spirituality of a great people with honorary past and future. Journal of innovations in pedagogy and psychology, Vol. 4, Issue 3, 2021, pp. 39-43

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2021-3-7>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги глобаллашув жараёнида маънавий тарбиянинг долзарблиги, шунингдек ёшлар тарбиясида Алишер Навоий қарашларининг ўрни таҳлил қилинган. Мутафаккир асарларида комил инсон ғоясининг фалсафий талқини очиқ берилган. Алишер Навоий асарларидаги ёшлар тарбияси учун пойдевор бўлиб хизмат қиладиган инсонпарварликнинг турли хусусиятлари кўрсатиб берилган. Муаллиф маданий ва тарихий мерос хусусида тўхталиб, ҳозирги замоннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини, шунингдек таълимнинг умуминсоний қадриятларга асосланган бўлишини таъкидлайди. Ҳозирги кунда узлуксиз маънавий тарбияни амалга ошириш борасида давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган чора тадбирлар ёритиб берилган.

Калит сўзлари: Маънавият, маънавий тарбия, комил инсон, инсонпарварлик.

Пардаева Мархабо Давлатовна

Руководитель Бухарского регионального отделения
Республиканского центра духовности и просвещения,
кандидат философских наук, доцент

МЕСТО ВЗГЛЯДОВ АЛИШЕРА НАВАИ В ДУХОВНОСТИ ВЕЛИКОГО НАРОДА С ПОЧЕТНЫМ ПРОШЛЫМ И БУДУЩИМ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется актуальность духовного воспитания в современном процессе глобализации, а также роль взглядов Алишера Навои в воспитании молодежи. Раскрывается философская трактовка идеи совершенного человека в произведениях мыслителя. Алишер Навои в своих произведениях выделяет внимание на различные свойства гуманизма, которые служат фундаментом для молодежи. Автор учитывает, что одной из актуальнейших проблем современности становится возрождение культурно-исторического наследия прошлого, воспитание должно основываться на общечеловеческих ценностях и одновременно строиться в соответствии с ценностями и нормами национальной культуры и региональными

традициями. Изложены меры, принимаемые нашим государством и правительством по внедрению непрерывного духовного воспитания.

Ключевые слова: Духовность, духовное воспитание, совершенный человек, гуманизм.

Pardaeva Markhabo Davlatovna

Head of the Bukhara regional branch of the Republican
Center for Spirituality and Education,
PhD in Philosophy, assistant professor

THE PLACE OF VIEWS OF ALISHER NAVAI IN THE SPIRITUALITY OF A GREAT PEOPLE WITH HONORARY PAST AND FUTURE

ANNOTATION

The article analyzes the relevance of spiritual education in the modern process of globalization, as well as the role of Alisher Navoi's views in the upbringing of young people. The philosophical interpretation of the idea of a perfect person in the works of the thinker is revealed. In his works Alisher Navoiy paid attention at the brilliant sides of mankindness which serve to be as a base for the perfect man. The author takes into account that one of the most pressing problems of our time is the revival of the cultural and historical heritage of the past, education should be based on universal values and at the same time be built in accordance with the values and norms of national culture and regional traditions. The measures taken by our state and government to introduce continuous spiritual education are outlined.

Keywords: Spirituality, spiritual education, perfect man, humanism.

*“Ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ интеллектуал
салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир”.*

Ш.М.Мирзиёев

КИРИШ. Инсон ва уни тарбиялаш, етук шахсни камолга етказиш масаласи қадимдан Шарқ олимлари, мутафаккир ва донишмандларининг диққат- марказида бўлиб келган. Улар инсон зотини юксакликка кўтарганлар, уни тирик мавжудотлар орасида энг аълоси деб ҳисоблаганлар.

Мозийда яшаб ўтган мутафаккирларнинг инсон ва уни яшашдан мақсади, мукамал жамият, одил ва маърифатли шоҳ, комил инсон ҳақидаги қимматли фикрлари ҳозиргача ўз кадрини йўқотмасдан, инсониятга хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижодий мероси, дунёқараши ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд. Лекин мутафаккирнинг комил инсон тўғрисидаги қарашлари тарихий-фалсафий нуқтаи назардан махсус таҳлил қилинмаган. Шунингдек, шўролар давридаги илмий тадқиқотларда Навоий асарлари, кўпинча, бир томонлама, яъни дунёвий жиҳатдан ўрганилган.

Ушбу мавзунинг баъзи жиҳатлари ҳақида олимлардан Е.Бертельс, И.Мўминов, В.Зоҳидов, Н.Маллаев, М.Хайруллаев, Н.Комилов, М.Орипов, Ҳ.Алиқулов, И.Ҳаққул, Султонмурод Олим, О.Эргашев, С.Каримов, Б.Эралиев, А.Зоҳидов, М.Муҳиддинов ва бошқалар ўз фикрларини билдириб ўтганлар [7-21].

Тадқиқот манбаларини Алишер Навоийнинг асарлари, тазкира ва мақоматлар, ўша даврга оид тарихий асарлар ташкил қилади.

НАТИЖАЛАР. Маълумки, ўтмиши шарафли, келажаги буюк халқимиз асрлар давомида дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган комил фарзандлари, уларнинг илмий-маънавий мероси билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб келган. Ҳозирги кунда ҳам шарқона таълим-тарбия, ор-номус, одоб-ахлоқ, сабр-қаноат, бағрикенглик, илм-маърифатга интилиш, ўзидан яхши ном, яхши амаллар қолдириш каби фазилатларни тарбиялаш аввалгидек муҳим аҳамият касб этмоқда. Албатта, бундай мақсадларга эришишда

бутун ҳаёти ва фойятини инсоннинг бахт-саодати, халқининг фаровонлигига бағишлаган буюк мутафаккирларимизнинг маънавий меросини янада чуқур ўрганиш, ибрат олиш, уни ёш авлод қалбига сингдириш ҳар бир маънавият фидоийсининг асосий вазифасидир. Хусусан, Ҳазрат Навоий асарлари ёш авлоднинг маънавий камол топишида бекиёс катта аҳамиятга эга. Унинг асарларида ота-она, устоз, ёши улуғларни ҳурмат қилиш, илм-маърифатни эгаллаш, яхши ахлоқ эгаси бўлиш, ёмонлик ва ёмонлардан узоқ бўлиш сингари масалаларга жуда катта эътибор қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан 2020 йил 19 октябрь куни “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарор имзоланган эди. Қарорда бошқа масалалар сингари, хорижий давлатларда сақланаётган Алишер Навоий қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг факсимиле нусхалари мамлакатимизга олиб келиш; 2020-2021 йиллар давомида Алишер Навоийнинг қўлёзмалари асосида шоир асарларининг мукамал илмий нашрини яратиш; 2021 йил ноябрь ойида Алишер Навоий яшаган давр, шоир ҳаёти, ижоди, адабий муҳити, устозлари, замондошлари ва издошлари ҳақида ҳикоя қилувчи, асарларининг қўлёзма ва нашр нусхалари тўғрисида маълумот берувчи адабий-бадий кўргазма ўтказиш; Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этиш илмий лойиҳалар танлови эълон қилиш; 2021 йил охирига қадар Ўзбекистон Миллий кутубхонасида буюк шоир ва мутафаккирнинг асарлари ҳамда навоийшунослик фани бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг электрон платформасини яратиш, шунингдек Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилиб, 2021/2022 ўқув йилидан барча таълим муассасаларида шу асосда ўқитиш йўлга қўйилиши белгилаб берилди. Бундай саъй ҳаракатлар албатта, ёш авлодни юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш, аждодлар маънавий меросини учуқур ўрганиш, ёшларга ибрат намунаси қилиб кўрсатишда аҳамияти катта.

Ҳазрат Навоийнинг ақидасига кўра, одам ўзгаларга яхшилик қилиши, хайрли ишлар ва солиҳ амалларни бажариши, савоб ишлар билан машғул бўлиши учун инсоннинг ўзи сабрли, қаноатли, нафсини жиловлаган бўлиши, бошқача қилиб айтганда, ўзи тарбияланган бўлиши керак. Шундагина у бошқаларнинг қадрига етадиган, уларга кўпроқ ғамхўрлик қиладиган бўлади. Инсон, аввало, сабрли, қаноатли, ўзининг ҳалол меҳнати ила топган бир бурда нони билан кифояланиши кераклигини айтади. Бу ерда Навоийнинг инсонпарварлик қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, ул зот сабр-қаноат, меҳр-мурувват, саховат, хайр-садақа, муҳтожларга ёрдам каби инсоний хислатлар ҳақида гапирганда уларни ўзаро боғлиқликда кўра, улар мазмунан бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирига яқин тушунчалар сифатида қаралади. Масалан, қаноат сабр, ҳурмат, тавозу, хокисорлик, камтарлик, сахийлик каби хислатларга яқин туради.

Ҳазрат Навоий жамиятда учрайдиган ҳар қандай нохуш ҳолатларни қаттиқ танқид қилиб, унинг олдини олиш чоралари сифатида, биринчи навбатда, маънавий тарбияни кўрсатиб берган. Шоирнинг ҳар бир ўғитлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамияти билан қимматлидир.

Мутафаккир қаноатни шарафлар экан, бу хислатга эга бўлган инсонни ҳар тарафлама афзаллигини уқтириб, ушбу фазилат бахт-саодатга эришишнинг калити, инсоннинг зийнати эканлигини, у хавф-хатарлар, турли иллат ва балою-офатлардан сақловчи, одамни хору зорлик ва жабр-зулмдан муҳофаза қилувчи катта куч эканлигини таъкидлайди. Мутафаккир “Маҳбуб ул-қулуб” асарида қаноатни инсонпарварликнинг ажралмас бўлаги сифатида таърифлаб, таъмағирликни одамийликка ёт иллат эканлиги тўғрисида фикр билдиради. “Қаноат, - дейди шоир, - тортинчоқликнинг негизидир, шараф ва иззатнинг тантанасидир. Қаноатли қашшоқ – бадавлатдир ва шоҳ билан гадоёга иши тушмайди. Таъмағирликнинг далили: давлатли тамағир – хор ва пасткашдир. Кимки тамағ билан ола билан, лекин олмас, тамағсизлик сахийликдан ҳеч қолишмас. Бу хилдаги сахийлар яхшилик қилувчи, тамағирлар эса, жирканчликда судралувчидир” [3].

Ҳозирги кундаги энг ёмон иллат – таъмағирлик, порахўрликдир. Унга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномаси[1]да коррупцияга барҳам бериш масаласига алоҳида тўхталиб, бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши мақсадга мувофиқ экани таъкидлаган эди. Мамлакатимизнинг 18 миллиондан зиёд қисмини, яъни қарийб 55 фоизини ёшлар ташкил этади. Айнан, ёшлар учун ҳам коррупцияга қарши курашиш юксак маънавият белгисидир. Қаноат, сахийлик ҳар бир ёш фуқарода юксак ижобий хислат сифатида қалбидан жой олмоғи даркор.

Бир-бирига ёрдам, оғир дамларда ҳамдам, меҳр-оқибат – юксак инсонийлик белгисидир. Навоий асарларининг марказини инсон ва инсонпарварлик масаласи эгаллайди. Ҳатто Фарҳод ва Шириннинг бир-бирига бўлган муҳаббати ҳам инсонпарварликка бўйсунди. Навоийнинг қаҳрамони Ширин шундай дейди:

Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур [4].

Шундан кўришиб турибдики, Ҳазрат Навоий инсонийлик, одабийлик, вафодорлик, меҳр-оқибат, халқ ғамида яшаш, унинг фаровонлиги, бахт-саодати йўлида ҳатто жонини фидо қилиш, хайр-эҳсон, ўзгаларга сахийлик қилиш каби фазилатларни ҳамма нарсдан юқори қўяди.

Шоир бу билан инсонни, унинг хислатларини улуғлайди, уни бошқа жонзотлардан аъло эканлигини ишонарли тарзда исботлаб беради.

Ҳазрат Навоийнинг бошқа қаҳрамонлари реал шахслар бўлиб, улар инсонпарварлик қадриятларини мукаммал эгаллаган комил инсонлар сифатида тасвирланади. Навоий Ҳазратлари “Садди Искандарий” достонида Искандарни ақл-заковат эгаси, етук олим, камтар ва мулойим, маърифатпарвар, инсонпарвар подшо, мукаммал жамият барпо қилишга интилувчи давлат арбоби сифатида талқин қилади. У инсонни юқори кўтаради, унинг гўзал фазилатларини куйлайди. Шу маънода олганда, Навоийнинг гуманистик қарашлари Оврупа Ренессанс даври мутафаккирлари дунёқарашидаги инсонпарварлик ғояларига ўхшаб кетади. “Садди Искандарий” достонида, - деб таъкидлайди М.Орипов, - Навоий инсонпарварлигининг Европа гуманистлари таълимотларига ҳамоҳанг кўпгина томонларининг ифодаланишини кўришимиз мумкин. Булар инсонга муҳаббат, унинг ақл-заковатини улуғлаш, инсонни қадрлаш ва ҳимоя қилиш, инсоннинг бахт-саодати учун муносиб шарт-шароитларни яратиш – идеал давлат куриш каби ғоялардан иборат [5].

Мир Алишер Навоий Ҳазратларининг ёшлар тарбиясига оид фикрлари асрлар давомида ўзининг долзарблигини янада намоён этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан “Тарбия” фанини яратиш ва ўқитиш ташаббуси берилган эди. Мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиб, “Миллий ғоя”, “Одобнома”, “Динлар тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанларни бирлаштирган ҳолда, ягона “Тарбия” фанини жорий қилиш зарурлиги қайд этилганди. Мазкур ташаббуснинг рўёби сифатида, Вазирлар Маҳкамасининг 6 июль 2020 йилда «Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 422-сон қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, ягона «Тарбия» фани 1–9-синфларда – 2020-2021 ўқув йилидан, 10–11-синфларда эса, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ажратилган умумий соатлар доирасида «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ҳамда «Дунё динлари тарихи» фанларини бирлаштириши кўрсатиб берилди.

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, уларнинг онгига умуминсоний қадриятлар ва юксак маънавиятни янада чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, умумий ўрта таълим муассасаларидаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича

асосда ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 06.07.2020 йил 422-сон Қарори [2] қабул қилинди.

ХУЛОСА. Бугунги кунда мамлакатимизни инновацион ривожлантириш, 2030 йилга қадар Глобал инновация индексида илгор 50 мамлакат қаторидан жой эгаллаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида эса, худди шу даврга бориб ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича PISA халқаро дастури рейтингда Ўзбекистоннинг жаҳондаги етакчи 30 та мамлакат қаторидан жой эгаллаши мақсад қилиб қўйилган. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек,

Маънавият оламида бадавлат халқимиз,

Маърифат тарқатган донишманд Шарқимиз.

Йигитликда йиғ илмнинг мағзини,

Қарилик чоғи ҳарж қилгил ани.

Ушбу юксак мақсадларга эришишда фарзандларимиз тарбияси асосий ўрин эгаллайди, шак-шубҳасиз.

Иқтибослар / Сноски /References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 06.07.2020 йил 422-сон Қарори.
3. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар.13-том. Т.: 1966
4. Навоий. Хамса. Т.: 1960.
5. Орипов М. Алишер Навоийнинг дунёқараши ҳақида. “Ўзбекистонда ижтимоий фалсафий фикрлар тарихидан”. Т.: Ўзбекистон, 1995. 175-б.
6. Khajieva I. et al. Foreign language competence formation of the future teacher of vocational education in the information and educational environment //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 360-365.
7. Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избр. труды. –М.: Наука, 1965.
8. Муминов И.М. Выдающиеся мыслители Средней Азии. –М.: Знание, 1966.
9. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1999.
10. Захидов В. Мир идей и образов Алишера Навои. –Ташкент: Из-во худ. литературы Узбекской ССР, 1961.
11. Улуғ шоир ижодининг қалби. –Тошкент: Ўзбекистон, 1970.
12. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1965.
13. Хайруллаев М.М. Навоий дунёқарашининг ғоявий манбаларини ўрганиш ҳақида. // Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Тошкент: Фан, 1968.
14. Аликулов Х. Социально-утопические идеи в Средней Азии. –Тошкент: Фан, 1983.
15. Арипов М. Гуманизм Алишера Навои. –Ташкент: Узбекистан, 1991.
16. Аликулов Х. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана. –Тошкент: Фан, 1992.
17. Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
18. Иброҳим Ҳаққул. Навоий шеърлятида комил инсон мавзуи // Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. –Тошкент-Навоий: Фан, 2001.
19. Навоийга қайтиш. –Тошкент: Фан, 2007.
20. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. –Тошкент: Маънавият, 2005.
21. Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: Movarounnahr-O`zbekiston, 2009. ва б.

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА
ИННОВАЦИЯЛАР**

**ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И
ПСИХОЛОГИИ**

**INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND
PSYCHOLOGY**

№3 (2021)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000